
Эртага умуман кўчага чиқолмай қоласиз – ИИБ ахборот хизмати раҳбари

АОКА ҳузуридаги штабда Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Шоҳрух Ғиёсов иштирокида брифинг ўтказилди.

Унинг қайд этишича, келиб тушаётган аксарият саволлар — айрим фуқароларимизнинг ҳанузгача карантин қоидаларини ўйинчоқ деб ўйлаб, хавф билан ҳазиллашиб юришганидан далолат бермоқда.

— Саволларнинг асосий мазмуни қуйидагича: фуқароларни Йўл-патрул ходимлари тўхтатиб, текшириб, гўё уларнинг бўлмаган камчиликларини қидираётгани, такси ҳайдовчиларига атайлаб жарима ёзаётгани, автотранспортда бўлмаса велосипедда юриш мумкин ё йўқлиги, гўё бозор ёки аптека узоқ масофада жойлашгани сабабли у ерга боришга қийналиб қолишаётгани, даромади кўчада кира қилиш билан боғлиқ фуқаролар пулсиз қолиб кетаётгани ва ҳоказо.

Фуқаролар ўзининг ва яқинларининг соғлиғини сақлашни ўйлашмаяпти, кўпчиликнинг ўй-хаёли — мавжуд чекловлардаги лазейкаларни қидириб, уларни айланиб ўтиб кўчага чиқиш.

Сиз ёмонлаётган, қилмишидан камчилик қидираётган йўл-патрул, пост-патрул хизмати ходимлари тикка оёқда 12 соатлаб хизмат олиб бормоқда. Айрим ходимлар 3 суткада бир марта, кийимини ювдириб-алмаштириб келиш учунгина уйларига боришяпти. Профилактика инспекторлари, уларга ёрдамга жалб этилган бошқа ходимлар карантинда бўлган фуқароларнинг уйлари тагида уйқусиз ўтиришибди. Уларнинг ҳам бола-чақаси бор. Улар ҳам чарчайди, – деди Шохруҳ Фиёсов.

2020-04-04 06:42:24